

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 136-ҳадис

136 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قُلْتَ لِصَاحِبِكَ أَنْصِتْ، يَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ، فَقَدْ لَعَوْتَ».

[خ 934، م 851، ت 512، س 1401، د 1112، ج 1110].

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Жума куни имом хутба қилаётганда ёнингдаги шеригингга «Жим тур» десанг ҳам, лағв* қилган бўласан»**, дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

* Лағв - беҳуда, бефойда гап-сўз ва ҳатти-ҳаракатлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI